

Ҳидоят журнال


اَنْهُدُ إِلَيْهِ سَبِيلُ دِيَنَكُمْ وَالْمُؤْمِنُاتُ بِالْجَسَنَةَ



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 марта чиқа бошлаган.

Ислом сабоқлари

№ 5 (718) 15.03.2023 | ۴۴۰۸۱۴۴۴



Жамият бойлар ва камбағалардан ташкил топган. Қуръонда бу ҳол Аллоҳнинг истаги, имтиҳонига васила, ризқланишлари воситаси экани билан изоҳланган. Қуръон бойлик ё фақирликни мақтамайди, ерга ҳам урмайди. Балки вазифасини ўрнига қўя олган бой ва фақирларга мукофотлар ваъда қиласди. Аксинча бўлганида уларни айблайди.

Яхшилика чақириши

Мискинларга муносабат

Қуръони каримда барча мулкнинг ҳақиқий соҳиби Аллоҳ таоло экани, бойларнинг молида фақирларнинг ҳақлари борлиги айтилган. Фақирлар яхшилик қилиниши лозим бўлган тоифа орасида зикр этилиб, уларнинг эҳтиёжларини кетказиш ҳақиқий яхшилик саналган. Давлатнинг закот йиғимларидан тушган улуш йўқсилларга берилиши буюрилган. Бир қанча ояти каримада инфоқ-эҳсон қилиш, йўқсилларга ёрдам бериш, зақотни ҳақдорларга етказиш, очларни тўйдириш каби хайрли ишлар иймон билан боғланган ҳолда зикр этилган. Хасислик, зиқналик, зақот бермаслик,

мунофиқларга хос сифат деб келтирилган.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиласидар: “**Таомнинг энг ёмона камбағаллар қолиб, бойлар чақирилган тўйдаги овқатдир**” (Имом Бухорий ривояти).

“**Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди ва ташлаб ҳам қўймайди. Ким биродарининг ҳожатида бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатида бўлади. Ким бир мусулмоннинг гамдан фориғ қиласа, Аллоҳ ундан қиёмат кунининг гамларидан бирини кетказади. Ким мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ қиёмат куни унинг айбини беркитади**” (Имом Бухорий ривояти).

2-бетда

мусулмонни кўргани борса, етмиши минг фаришта кундузниң ҳар қандай соатида кеч киргунча ва кечанинг ҳар бир соатида тонг отгунга қадар унга салавот айтади”, дедилар (Имом Ибн Ҳибон ривояти).

Биргина амалингиз учун сизга етмиш минг фаришта кундуз ва кечанинг ҳар соатида салавот айтиши қандай улуғ мукофот! Демак, бемор биродарини бориб кўрган киши улуғ ажрга эга бўлади.

Бошқа ҳадисда Набий алайҳиссалом бундай марҳамат қиласидар: “**Қайси мусулмон бемор мусулмонни эрта тонгда кўргани борса, етмиши минг фаришта кеч киргунча унга дуои хайр қиласди. Агару кеч кирганда бирор беморни кўргани борса, тонггача етмиши минг фаришта унинг ҳаққига хайрли дуо қиласди ва унга жаннатнинг терилган меваси берилади**” (Имом Термизий ривояти).

Хаста инсонни зиёрат қилишнинг шунча яхшилиги, мукофоти бор экан, бу амалга жиддий эътибор қаратишимиш лозим. Сиздан моддий қўмак бериш ёки жисмоний меҳнат талаб қилинмайди. Фақатгина беморнинг ҳузурига бориб, ҳол сўрасангиз, икки оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтарсангиз кифоя.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дейдилар: “**Агар бемор ҳузурига кириб қолсанг, сенинг ҳаққингга хайрли дуо қилишини сўра. Чунки унинг дуоси фариштадарнинг дуоси каби мустажобдир**” (Имом Ибн Можа ривояти). Қандай неъматки, беморни бориб кўриш учун ўз ҳожатимизни кўзлаш ҳам сабаб қилиб қўйилган экан.

Ҳожиакбар ЭРГАШЕВ,
Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани
“Шоҳи Фозил” жоме масжиди имом ноиби

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 2 марта куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содикжон Тошбоев Саудия Арабистонинг Ўзбекистондаги элчиси Юсуф ибн Солих Утайбийни қабул қилишиди.

✓ Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабалари Тошкент ислом институтига ташриф буюриб, 51 йиллик тарихга эга институтнинг ўқув, илмий ва ташкилий фаолияти билан танишдилар.

✓ “Вақф” хайрия жамоат фонди март ойида 52 нафар мударрис, 57 нафар ишли-ходим ва 28 нафар тала-бага 701 миллион сўм ҳамда олис худудлардаги кам даромадли 26 нафар масжид имом-хатибига 130 миллион сўм ажратди.

✓ Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Қуръони карим ва тажвидни ўргатиш” бўлимни мудири Шайх Алижон қори Ҳайдаров Қашқадарё вилоятидаги “Хожа Бухорий” ўрта маҳсус ислом билим юртида илм ахлиниң фазилатлари тўғрисида суҳбат ўтказди.

✓ 10 марта куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Тошкент шаҳрида Hi-Tech услубида қайта бунёд этилган “Тепа” жоме масжидининг очилишида иштирок этиб, жамоат билан ушбу масжиддаги илк жума намозини адо қилди.

✓ 11 марта куни “Вақф” хайрия жамоат фонди Қорақалпогистон Республикаси филиали “Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний” ўрта маҳсус ислом билим юртининг ўқитувчи, техник ходим ва талабалари ҳамда масжид имом-хатибларини моддий рағбатлантириш мақсадида хайрия тадбiri ташкил этди.

✓ 11 марта куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг Ёшлар ишлари бўйича ўринбосари Ўйғун домла Фофуров Термиз шаҳридаги “Имом Термизий” ўрта маҳсус ислом билим юртига ташриф буюриб, талабалар билан очиқ мулоқот ўтказди.

✓ 13 марта куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким Термизий зиёратоҳи яқинида жойлашган “Вақф” хайрия жамоат фонди тасарруфидаги меҳмонхона фаолияти билан яқиндан танишиди.





Аллоҳ сизларга енгилликни истайди

«Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Куръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардан дир. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди. Бу – ҳисобни тўлдиришинги ҳамда ҳидоятга бошлагани учун Аллоҳга такбир айтишингиз учундир. Шояд шукр қиласанлизлар» (Бақара сураси, 185-оят).

Рамазон – қамарий ҳисоб бўйича ойларнинг тўққизинчиси.

“Куръон нозил қилинган ой”.

Рамазоннинг бошқа ойлардан афзаллиги – унда, қадр кечасида Куръони карим нозил қилинган. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи: «**Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик**» (Духон сураси, 3-оят), «**Албатта, Биз уни Қадр кечасида нозил қилдик**» (Қадр сураси, 1-оят).

Аллоҳ таоло Куръони карими Жаброил алайхиссалом орқали Расулulloҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга йигирма уч йил мобайнида бўлиб-бўлиб нозил қилди. Набий соллаллоҳу алайхи ва салламга дастлабки оялар Рамазон ойида нозил қилинган.

“Одамлар учун ҳидоят” – икки дунё камолоти ва саодатига элтувчи зафар ва најот йўли.

“Ажрим этувчи ҳужжатлар”

– ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ҳақ билан ботилни ажратиб берувчи манба.

“Ким бу ойда ҳозир бўлса” – соғ-саломат ва муқим ҳолида Рамазонга етса ёки Рамазон ҳилолини кўрса, “**рўзасини тутсин**”.

“Кимки бемор ёки сафарда бўлса, беморлик ё сафар сабабидан рўза тутолмаган кунларнинг рўзасини Рамазон ойидан бошқа кунлардан тўлдириб кўяди.

“Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди”. Шунинг учун мусофири ва беморларга рўза тутмаслика, сафардан қайтганида ёки соғайиб қолганида тутиб беришларига рухсат берди.

“Бу – ҳисобни тўлдиришинги учун”, яъни рўзани тўлиқ бир ой – йигирма тўққиз ё ўттиз кун тутишинги учун.

“Ҳидоятга бошлагани учун” – рўзанинг ҳукмларини, кимларга енгилликлар борлигини кўрсатиб қўйгани ёки рўздан сўнг Фитр кунини байрам қилиб бергани учун.

“Аллоҳга такбир айтишингиз учун”. Такбирдан мурод “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Ла илаха иллаллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд” дир.

“Шояд шукр қиласанлизлар”, яъни ажри улкан бўлган рўза ибодатини енгил қилиб қўйгани ҳамда байрам кунлари такбирларини жорий этгани учун Аллоҳ таолога шукр қилинг. Шукрнинг ўзи ҳам ибодатdir.

Манбалар асосида Фарғона шаҳридаги “Уммул Куро” жоме масжиди имом-хатиби Холмурод МАМАЖОНОВ тайёрлади.

Ислом сабоқлари

① 1-бетда

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва саллам ҳар доим йўқсил, етим ва муҳтоjlарга қўлларидан келган ёрдамни аямаганлар. Илк ваҳий нозил бўлиб, у зот ҳаяжон билан ҳазрати Ҳадичанинг олдиларига келгандаридан оқила она мизнингу зотга айтган гаплари буни тасдиқлайди: “Аллоҳ Сизни ҳеч қачон уялтириб қўймайди. Чунки сиз қариндоши-уругларингиз ҳолидан хабар оласиз, рост сўзлайсиз, ожизларнинг қўлидан тутасиз, йўқсилларга ёрдам берасиз, меҳмонга икром кўрсатасиз, ҳақсизликка учраганларнинг ёнини оласиз” (Ибн Саъд. “Табақот”).

Огоҳлик – давр талаби

Мискинларга муносабат

У зот Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин ҳам доим муҳтоjlарга яхшилик қилишга интилар, бошқаларни ҳам шунга ундар эдилар. Мол-мулкларини Маккада қолдирив, ҳижрат қилган муҳожирларни ансорлар билан ака-ука тутинтирганлари замирида ҳам муҳожирларнинг вақтинчалик муҳтоjлигини бартараф этиш ғояси бўлган. Шунингдек, таълим олиш ва бошпанага бўлган эҳтиёжларини қоплаш учун Аҳли суфға – Масжидун Набий ёнида яшайдиган йўқсил ва муҳтоj саҳобаларни егулик билан таъминлагандар.

Исломдаги бир қанча амр ва қонун-қоидалар йўқсилликни бартараф этиш, моддий кўмакка муҳтоjlарнинг масалаларини ҳал қилишга қаратилган. Динимизда камбағалликка ижтимоий муаммо сифатида қаралади. Уни бартараф этиш учун, албатта, иштопиш, пешона тери билан ризқ-рўзини териб, бошқаларга муҳтоj бўлмасликка чақирилган. Шу билан бирга бойлар Аллоҳ берган мол-давлатдан йўқсилларга улуш айриши, уларни қўллаб-куватлашиб ҳам буюрилган. Исломда инфоқ-эҳсонлар билан бирга закот, садака, фитр каби молиявий ибодатлар

орқали ҳам мискинларнинг эҳтиёжлари ҳал этилиши мақсад қилинган. Яна курбонликлар, рўза фидяси, фитр садақаси, қасам ва эҳромда содир этилган хато-жиноятларнинг каффорати, рўза тута олмаган кишининг фидяси ҳам йўқсилларга берилиши уларни моддий қўллаб-куватлашиб. Ислом маданиятининг яна бир муҳим белгиси бўлган, садақа жория ҳисобланган вақфлар орқали ҳам муҳтоjlарнинг ҳар турли эҳтиёжлари қамраб олиниб, ҳал этилган.

Раҳматуллоҳ УСМОНОВ,
Қашқадарё вилояти бош имом-хатиби

Мансух бўлган ҳадислар ҳақида

Учинчи муаммо*

– пешин вақтининг охирида, аср эса вақтининг аввалида ўқилган. Шом билан хуфтон ҳам шундай”.

Уламолар иттифоқига кўра, мазкур ҳадисларни зоҳирий маънода тушуниш янгишишга олиб келади. Замонамизда ҳадиснинг зоҳирига қараб амал қиладигандар пайдо бўлмоқда. Улар ўзларини гўё унутилиб кетган суннатни тирилтираётгандек ҳисоблашади. Аслида эса, улар умматнинг бирор табакаси – на саҳобалар, на тобеинлар ва на улардан кейингилар қилмаган ишга кўл уриб, тўғри йўлдан оғишмоқда. Аллоҳ таоло айтади:

«Кимга ҳидоят аниқ бўлгандан кейин Пайғамбарга муҳолифлик қилса ва мўминлар йўлидан ўзгасига эргашса, Биз уни ўзи кетаётган йўлига қўйиб берамиз ва (охиратда) уни жаҳаннамда қўйдирашимиз. Нақадар ноҳуш жой у!» (Нисо сураси, 115-оят).

Имом Термизий “Сунан”да ушбу ҳадисни Ибн Аббос розийаллоҳу анхумодан ривоят қилган. Набий соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ушбу ҳадисларини эслаш ўринлидир: **“Ким (умматнинг йўлидан) ажраб чиқса, оловга (жаҳаннамга) ажраб чиқибди”** (“Мустадрак”).

Таъкидлаш жоизки, мансух бўлган ҳадисдан ҳукм олинмайди ва унга амал қилинмайди. Хусусан, унга саҳобалар ва улардан кейингилар амал қилишмаган бўлса. Уммати Муҳаммадия қилмаган ишни қилган кишини ким деб аташ мумкин!?

Шу ўринда Набий соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ушбу ҳадисларини эслаш ўринлидир: **“Ким (умматнинг йўлидан) ажраб чиқса, оловга (жаҳаннамга) ажраб чиқибди”** (“Мустадрак”).

“Нега мазҳабга эргашилади?”
китобидан Азизбек ХОЛНАЗАРОВ
таржимаси

Бу мавзу остига ўзининг шахрида бирор шаръий узрсиз намозларни жамлаб ўқиши масаласи ҳам киради.

Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анхумо ривоят қиласи: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам пешин ва асрни, шом ва хуфтонни Мадинада бирор хавф-хатар ва ёмғирсиз жамлаб ўқидилар”. Бу ҳадисни Имом Термизий ривоят қилган. Имом уни шарҳлаб айтади: “Бу ҳадисга уламолардан ҳеч ким амал қилмаган”.

Мазҳабимиз уламолари ҳадисни бундай шарҳлашган: “Бу ҳадисда ҳамма намозлар ўз вақтида

*Давоми, бошланиши ўтган сонда.


Набий алайхиссаломниң муомаладаги гүзәл одблари*

Расуллұқ соллаллоху алайхи ва салламнинг күрсатилған икромга яраша чиройли жағоб қайтаришларини Нажоийнинг элчиларига хизмат қылғанларида ҳам күриш мүмкін. Саҳобалар: “Үзимиз хизмат қиласыз” дейиши-са ҳам, у зот: “Йүқ, улар саҳобаларимизга иззат-икром күрсатиш-ган, үзим хизмат қылғым келепти”, деганлар. У зот ўзларига қилингандык яхшиликни өчөн үнүтмас әдилар ва иложи борича яхшиликка яраша худди шундай яхшилик билан ёки үндан ҳам ортиқроқ тарзда жағоб берар әдилар.

Расуллұқ соллаллоху алайхи ва саллам Ҳавозин сут оналарининг қабиласи бўлгани учун уларни кечириб юборгандар, эмикдош сингиллари Шаймо бинти Ҳалима элчи бўлиб келганда, унга юксак эҳтиром күрсатгандар. Чунки улар Пайғамбаримиз алайхиссаломни ёш пайтларидан ўз бағрандига олишган әди. Айниқса, Ҳадиҷа розийаллоху анҳо ва унинг яқинларини ниҳоятда ҳурмат қиласылар әдилар. Чунки Ҳадиҷа розийаллоху анҳо у зотга кўпдан-кўп яхшиликлар қылған аёллари әди.

Расули акрам соллаллоху алайхи ва саллам озгина яхшиликни ҳам қадрлар, яхшилик қылған кишига раҳмат ва ташаккур айтишини үнүтмасдилар. Бир сағар Абу Айюб розийаллоху анҳу Пайғамбаримиз алайхиссаломнинг соқолларига илашган патни кўриб, уни олиб ташлади. Бу илтифоти учун Расуллұқ соллаллоху алайхи ва саллам: “Аллоҳ сендан ёмон күрган нарсангни кеткәзсин”, деб дуо қилдилар. Амр ибн Ахтаб Ансорий розийаллоху анҳу эса ул зоти мукаррам ичмоқчи бўлиб турган идишдаги соч толасини кўриб қолиб, олиб ташлади. Расуллұқ соллаллоху алайхи ва салламнинг яқинларини “Аллоҳум, уни гүзәл қилгин”, деб дуо қилғандар.

Пайғамбар алайхиссалом Бадр куни мушриклар тарафида бўлган Абул Бахтарий ибн Ҳишомни ўлдирмасликка буюрдилар. У Маккадаги мусулмонларнинг ҳурматини жойига кўйган, Расуллұқ соллаллоху алайхи ва салламга ва мусулмонларга озор бермаган әди. Бундан ташқари, араблар Набий алайхиссалом мансуб бўлган Бани



Хошим уруғини ажратиб кўйишганида, мушрикларнинг маломатидан кўрқмай, таом юбориб турган ва Бани Ҳошим билан алоқа қилмаслик ҳақидаги буйруқ ёзилған саҳифани йиртиб ташлашга уринган.

Расуллұқ соллаллоху алайхи ва саллам жамоатда кўринмай қолған саҳобаларни сўраб-сурештирадар әдилар. Ҳинд ибн Абу Ҳола ривоят қилади: “Саҳобалардан биронтаси кўринмай қолса, Расуллұқ соллаллоху алайхи ва саллам у ҳақда сўраб-сурештирадилар. Уларга нисбатан жонсарак ва күнчак әдилар. Нима учун кўринмаётгандарининг сабабини билишни истардилар”.

Анас розийаллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайхи ва саллам саҳобаларидан бирортаси уч кун кўринмай қолса, у ҳақда сўрар, бирор жойга кетган бўлса, ҳаққига дуо қилар, агар шаҳарда бўлса, уни зиёрат қилар, касал бўлса, уни кўргани борар әдилар”.

Расули акрамнинг саҳобаларини, хусусан, ансорларни зиёрат қилиб туришлари уларга меҳр-муҳаббатлари зиёда бўлганини билдиради. У зот борган уйларга барақа ёғилиши, намоз ўқиган жойлари табаррук бўлиб қолишини билғандар учун ҳам бир неча жойда намоз ўқиб берганлар. Заиф, камбағал мусулмонларни зиёрат қилар, касал бўлиб ётганини эшитсалар, кўргани борардилар. Вафот этса, жанозаларida қатнашардилар. Қийналиб қолған фақирларни сабр қилишга даъват этиб, уларга қийин ва танг аҳволларини эсдан чиқарадиган хушхабарлар айтар әдилар. Бир сағар уларрга: “Эй муҳожирларнинг фақирлари,

сизларга қиёмат қунидаги тўлиқ нурдан башорат бераман. Сизлар бойлардан ярим кун олдин жаннатга кирасизлар. Ярим кун – беш юз иилга тенг”, деганлар.

Расуллұқ соллаллоху алайхи ва салламнинг ниҳоятда ҳаёли, тавозели, бағрикенг, саховатли, раҳмидил ва ўта сабрли эканлари инсонлар билан қылған муомалаларида яққол кўзга ташланиб турарди. Аллоҳнинг ва бандаларнинг ҳаққини адод қилишда инсоғли әдилар. Меҳр-муҳаббатларини изҳор этар, ваъдага вафо қилар, жуда қийин ва танг ҳолатда бўлсалар ҳам, ваъдаларига хилоф қилмасдилар. Бадавий (саҳройи) кишиларнинг қўполлигини кўтарар, уларга илтифот кўрсатиб, нокулай вазиятдан чиройли сўз, чиройли ҳаракат билан чиқа олардилар. Айниқса, саҳобалари билан жуда симмий гаплашардилар. Шунинг учун саҳобалар у зотга қаттиқ ишонишар, кўп ишларида у зотнинг маслаҳатларига суюнишарди. У зот уларни ўзларининг фойдали маслаҳатлари билан сийлардилар. Бир-бирларига маслаҳатгўй бўлишга тарғиб қилардилар.

“Маслаҳат қилингандар нарса омонатга қўйилган кабидир”, “Яхшиликни сўраган маҳрум бўлмайди, маслаҳат қилингандар надомат қилмайди”, деган сўзлари бунга мисолдир.

Абу Ҳурайра розийаллоху анҳу айтади: “Бирор киши Расуллұқ соллаллоху алайхи ва саллам саҳобалари билан маслаҳат қилмаган”.

У зот кўп ишларда саҳобалари билан маслаҳатлашганлар. Жумладан, Бадр куни қурайшиллар билан жангга киришиш олдидан саҳобалар билан қайси жойга тушишни маслаҳатлашганлар. Ухудда мушрикларга қарши чиқиш ёки чиқмасликни маслаҳат қилғандарда кўплар жангга чиқишни маслаҳат бергани учун жангга чиқилган. Хандақ куни сулҳ борасида қилингандар маслаҳат ҳам ажойиб бўлган. Ифқ воқеасида ҳам: “Менга маслаҳат беринглар”, деганлар. Бир киши чиройли фикр билдириш, уни қабул қилиб, ўшанга амал қилар әдилар. Фикрнинг тўғри ва мақбул эканини билдириб, фикр эгасини рағбатлантириб, меҳнатига яраша руҳлантириб, тақдирлаб қўярдилар.

Сайид Мұхаммад Ҳасанийнинг
“Иккى олам сарвари” асаридан
Фиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ
таржимаси

Масала

Рўзага доир фатволар

527-ФАТВО

Рамазон ҳилоли (янги ой)ни якка ўзи кўрган одам, гарчи бошқалар буни инкор этсалар ҳам, эртаси куни рўза тутиши вожиб. Агар тутмаса, бир кун қазосини тутиб беради. Ҳайит ҳилолини ёлғиз ўзи кўриб, бошқалар уни инкор қилған бўлса ҳам, эртаси куни рўза тутиди. Агар тутмаса, қазосини тутиб беради.

«Мухтасар», «Қозихон», «Ихтиёр»

528-ФАТВО

Рамазон ҳилолини кўриб, 29 кун рўза тутган шаҳар аҳлига бир гурух кишилар келиб: “Фалон шаҳарнинг аҳолиси Рамазон ҳилолини сизлардан бир кун олдин кўрибди. Шунга кўра, бугун рўзанинг 30-куни”, дейишича ҳам, уларнинг гапига амал қилинмайди. Зоро, ҳилолни уларнинг ўзлари кўрмаган, балки бошқаларнинг кўрганини нақл қилишди.

«Қозихон», «Оламгиря»

531-ФАТВО

Унтиш туфайли ейиш, ичиш ёки жинсий яқинлик қилиш рўзани очмайди. Аммо шу ишлардан бирортаси билиб туриб қилса, рўзаси очилади. Кейин у ҳар бир куннинг қазоси билан бирга каффарат сифатида муттасил равишда бо кун рўза тутиб беради ёки бо нафар очиши (мискин) қорнини тўйғизади. Рўзадор аёлинни мажбурлаб яқинлик қилған бўлса, ўзи ўша куннинг қазоси ва бо кун каффарат, аёли эса факат ўша куннинг қазосини тутиди. Аёли розилик берган бўлса, у ҳам ўша куннинг қазоси ва бо кун каффарат рўзасини тутиди.

«Оламгиря», «Ҳидоя»

536-ФАТВО

Рўзадорлигини унтиб овқатланадётган кишини кўрган одам қарайди – агар у кечгача рўзасини бемалол етказадиган кишидек туюлса, рўзани эслатади. Акс ҳолда, эслатиш – макрух.

«Оламгиря», «Захиря»

5-бетда

* Давоми, бошланшиши ўтган сонларда.



Икки-уч дақиқа кута оласизми?

Бухорои шариф. "Мир Араб" мадрасаси талабалари таътил бошланган кунлар. Анчадан бери ота-онасини кўрмаган Расул туғилиб ўсган қишлоғи томон қушдек учди. У чиққан автобус шоҳбекатдан кўзғалди. Шаҳар кўчалари аста-секин ортда қола бошлади. Автобус катта йўлга чиққач, тезлигини ошириди. Расул бир нуқтага тикилганча ичидан салавот, тасбех, таҳлил, истиғфор айтар, йўловчиларнинг шовқинини унча сезмасди.

Бироз йўл юрилгач, соатига кўз ташлаб, аср намози вақти киргани билди. Секин ҳайдовчига яқин бориб:

– Узр, амаки, автобусни бирор бекатда тўхтатганингизда, икки-уч дақиқа кута оласизми... Аср намозини ўқиб олардим, – деди хижолатомуз.

Мулоҳаза

Динимиз инсонларни тўғрисиз ва ҳалол бўлишга буюради, ўзгалирнинг ҳақини ейишдан қайтаради. Афуски, савдо аҳли орасида харидорларни алдаб молини ўтказаётганлар, фиригарлик қилувчилар учраб туради.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласди: **“Эй иймон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно”** (Иисуси, 29-оят).

Мўмин киши тижоратни ҳалол қилиши, дунёнинг арзимас ма тоҳи учун фириб ишлатиб, оғир гуноҳларга ботмаслиги керак. Акс ҳолда унинг дунёда ҳам, охиратда ҳам юзи қора бўлади.

Мусулмон одоби

Ота-она ризолигида ҳикмат кўп

Кексайганда фарзанду неваралар ардоғида яшаш ҳар бир инсоннинг орзуси ҳисобланади. Бироқ орамизда кам бўлса-да, қариган чоғида рўшнолик кўрмайтган кишилар борлиги ачин нарли ҳолатdir.

Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Фарзанднинг ота-онасида уч ҳақи бор: 1) түгулганда яхши исм қўйиши; 2) ақлини таниганда таълим бериш; 3) балогатга етганда жуфтлаб – никоҳлаб қўйиши”**, дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

Ҳадиси шарифдан ота-оналарнинг фарзандларига ғамхўрлиги, уларни уйли-жойли қилиб қўйгунга қадар экани аён бўлади. Сўнгра оилани тебратиш, ота-онага қараш фарзанднинг

Ҳайдовчи бирдан тутақди:

– Сен бола, нима деяпсан? Худо хайрингни берсин, мени тинч кўй!.. Шунча одамни куттириб-а?! Эсинг жойидами? Бу узоқ масофа-га чиққан катта машина бўлса! Йўл графиги бўйича олти соатда манзилга етишимиз кўрсатилган, ҳеч иложи йўқ!

Расул индамай жойига бориб ўтириди. Аввалига ичидан ҳайдовчини ёмон кўрган бўлса, кейин ўзини айблай бошлади: “Аслида томдан тараша тушгандек “тўхтатинг” демасдан, автобусга чиқаётганда ҳайдовчини огоҳлантиришим керак эди. Рози бўлмаса, бошқа транспортда кетардим. Яхши гапириб илтимос қилсан, кўниши ҳам мумкин эди”.

Автобус охири кўринмас қирадирлар оралаб кетарди. Тўсатдан

орқа томондан пак-пуқ этган овоз эшитилди. Одамларни ваҳима босди. Ҳайдовчи автобусни йўл четига тўхтатди. Тушиб қарашса, орқа ғилдираклардан бири ёрилибди. Асаби бузилган ҳайдовчи асбони олиш учун автобусга қайтиб чиқаркан, Расулга кўзи тушиб:

– Хў бола, намозингни ўқиб ол! – деди зарда билан.

Йўловчилар пастга тушишди. Расулнинг мунгли овозда такбир айтиши уларни сеҳрлаб қўйди. Бу товуш гўё бошқа оламдан келаётганга ўхшарди. Ҳатто ҳайдовчи ҳам ишини тўхтатиб, ерга тиззалаганча дуога кўл очди.

Ғилдирак алмаштирилгунча Расул аср ва шом намозларини ўқишига улгурди. Кўнгли бўшаб кетган бесўнақай ҳайдовчи лапанглаб келиб, уни қучоқлади,

манглайидан ўпди. Кейин қўлларини Расулнинг гелкасига қўйиб, ота-онасини, қаерда ўқишини суриштириди.

– Баракалла! Қани ортимдан юр! Бундай чиройли овозинг, бундай эътиқодинг билан орқа ўриндиқда кетишинг маъқул эмас. Ёнимда ўтирасан! Аттанг, сени хафа қилиб қўйдим! – дея хижолатчекди. Моторни ўт олдиракан: “Қани энди, ҳамма болалар шундай бўлишса”, деб ҳавасланиб қўйди.

Автобус йўлга тушди. Энди йўловчилар аввалгидек баланд овозда эмас, бир-бирига эштадиган қилиб гаплашишар, уларни қандайдир куч қисқа вақтда бошқа одамларга айлантириб қўйгандек эди...

Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ



Харидорга яроқсиз маҳсулотни сифатли деб сотиш, унинг айбини яшириш мумкин эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам молининг нуқсонини айтиб сотиш лозим. Расулллоҳ алайҳиссалом буғдой сотаётган одамнинг олдидан ўтаётиси: **“Қандай сотаяисан?”** дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламга, кўлингни у буғдой ичига тиқ, деб ваҳий қилинди. У зот қўлларини тиқсалар, ҳўл экан. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким алдаса, биздан эмасдир”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Айрим савдогарлар бозори чаққон бўлганда ёлғондан молни

қимматга олганларини рўкач қилишади. Савдогар учун тўғрилик мезон бўлиши керак. Тижоратида баракот, унум бўлишини хоҳлаган тўғри бўлиши лозим.

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: **«Набий**

соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ростгўй, омонатли тоҷир набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Дилмурод СОДИҚОВ

бурчидир. Ота-онага ғамхўрлик қилиш ҳақида Қуръони каримда **«Раббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга “Уфф”, дема, уларга зажр қилма ва уларга қарамли сўз айт!»** (Ислом сураси, 23-оят), дея марҳамат қилинади. Аллоҳ бандаларига ота-онага яхшилик қилишни буюрмоқда. Афус, бу амри ҳамма ҳам бажараётгани йўқ.

Қўшниларимдан бири авто-уловида кира қилиб пул топади. Аммо топган пули рўзгорига етмайди. Камига унинг ичадиган одати бор. Рўзгорни бу қилиш ўрнига ота-онасининг

нафақасини ойма-ой кутиб кун кечиради. Тоғни талқон қиламан деган эр киши учун бу ордир.


Бундай ҳолатларни ҳар қайси маҳаллада учратиш мумкин. Бунинг сабаби эса дангасалик, боқимандалик, бирор қасбнинг бошини тутмасликдир. Бугун “ишлайман”, “пул топаман” деган кишига дунё кенг. Имконини қилган қаддини уриб яшаяпти. Аммо бирорларнинг қўлига қараб, олма пиш, оғзимга туш дейдиганлар, юқоридаги каби ўзини ҳам, яқинларини ҳам қийнаб келмоқда.

Бунинг бир учи, албатта, ота-онасининг фарзандига берган тарбиясига ҳам боғлиқ. Уларни ёшлиқдан илмга, меҳнатга ўргатса, кейинчалик ўзлари

тинч-осуда яшаб, боларининг камолини кўради. Бироқ бола тарбиясида кемтик бўлса, ваҳти келиб, у ҳам таъзирини ейди.

Қайси хонадонда нуронийлар бўлса, у жой файзу баракага бурканади. Зоро, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Уч дуо мустажобдир. Уларда шак йўқ. Ота-онанинг дуоси, мусоғирнинг дуоси ва мазлумнинг дуоси”**, дедилар (Имом Термизий ривояти). Шундай экан, ота-онанинг қадрига етиб, уларнинг розилигини, дуосини олиш пайида бўлайлик. Шундагина топиш-тутишимизга, рўзғоримизга барака инади.

Абдумалик ТОШБОЕВ,
Норин тумани



Балоғат ёши

Фақиҳлар балоғатта етиш учун бир шарт ва икки мезонни ўртага кўйишган. Шарт шуки, инсоннинг жинсий етуклигидир. Бу ҳолат – ўғил болаларда ўн икки ёшдан, қизларда тўқиз ёшдан бошланиши айтилган. Насл ёки иқлимга қараб баъзида 13–15 ёшгача бўлган давр оралиғида ўғил болалар жунуб (маний кўриши) бўлади, қиз болалар ҳайз кўриши бошлайди. Ўғил бола жунуб бўлган ёки қиз бола ҳайз кўрган онидан бошлаб мукаллаф ҳисобланади ва шариатда буюрилган ибодатларни бажариши фарз (зарурий) бўлади.

Иккинчи балоғат ақлий етуклиkdir. Ҳанафийларга кўра, ўғил бола ўн саккизга, қиз бола ўн етти ёшга етганида, бошқа мазҳабларга кўра эса, балоғатта етган-етмаганидан қатъи назар ўн

беш ёшга тўлганидан ҳисоб қилинади. Ақлий камолот борасида юқори ёш чегараси ҳақида йигирма беш ёш деган бошқа фикрлар ҳам бор. Балоғатга етишнинг юқори чегараси борасида Куръони каримда келган ушбу оятлардан ҳанафийларда ўн саккиз ёш деб ҳукм олинган: «**То вояга етгунни молига яқинлашмангиз, магар чиройли йўл билан** (яқинлашишингиз мумкин). **Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла адо этингиз!**... (Анъом сураси, 6/152); «**Етимнинг молига, то у вояга етгуннича, яқинлашмангиз, илло чиройли йўсинда бўлса майли. Аҳдга вафо қилингиз!** **Зоро, аҳд-паймон** (қиёмат куни) **сўраладиган ишдир**» (Исро сураси, 17/34).

Балоғатта етган инсон зими масига ибодатдан ташқари жиноий ва ҳукуқий жавобгарлик каби ишлар ҳам юкланди. Шунингдек, ижтимоий ва сиёсий ҳукуқлардан фойдаланиш лаёқатига эга бўлади. Болалиги туфайли берилган баъзи имтиёзлар балоғат ёшига етганида олиб ташланади. Набий соллаллоҳу алайхи ва саллам: «**Қалам уч (тоифа)дан кўтарилган: уйқудагидан, токи уйғонгуннича, ёш боладан, токи**

эҳтилом бўлгуннича, жиннидан, токи ақли киргуннича», дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Бироқ ақлий ва маънавий камолотни англатувчи етуклиқ, одатда, балоғат ёшида содир бўлади. Айрим кишиларда балоғат ёшидан кейинроқ ҳам бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, Куръони каримда: «**Етимларни, то балоғат ёшига етгунларига қадар назорат қилиб** (вояга етиш вақтини кузатиб) **турингиз: вояга етгандарини сезсангиз,** (кўлингиздаги омонат) **мол-мулқларини ўзларига топширингиз!**...» (Нисо сураси, 6-оят).

Шунга биноан, мужтаҳидлар кишининг мол-мулқ тасарруфи ёки оила тебратиши ва жиноий жавобгарлик лаёқати учун балоғат ёши (9–14 ёш)дан ташқари ақлий етукликни ҳам шарт қилиб кўйишган. У балоғат ёшидан кейинги давр ҳисобланиб, ўртача ҳисобда эркаклар учун ҳам аёллар учун ҳам ўн саккиз ёш деб белгиланган.

“Бадеус саное”,
“Фатхул Қадир” ва Закийддин
Шабанинг “Усулу фиқҳ”
китоблари асосида **Абдувоҳид**
ҮРОЗОВ тайёрлади.

Ислом дини ва атроф-муҳит

Жонли табиат – глобал ҳамроҳимиз

Она замин, сув, ҳаво, бепоён сахролар, юксак тоғлар ва уларнинг бағридаги табиий бойликлар... Буларнинг бирортаси инсонга муҳтоҷ эмас. Биз бўлмасак ҳам уларга ҳеч нарса бўлмайди. Лекин мавжудлигимиз билан уларнинг бағрини тўлдирамиз. Тоғларни портлатиб текислаймиз деб, табиий чўлларни бўстон қиласиз деб, бўстонни ҳам сахрога айлантирамиз, ернинг бағрига тиғсаншиб, нефть, газ ва бошқа табиий бойликларни қазиб оламиз ва уларни ёқиб ҳавога учирив юборамиз. Кимёвий элементлар жадвали асосчиси Д.Менделеев инсонларнинг нефтга бўлган бундай муносабатини “Нефтни ёқиш, пулни ёқиб юборишдир”, деб баҳолаган эди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, Нефть ва газнинг тинимсиз ёниши оқибатида ҳаво булғаниб, атмосфера қобиғи емирилади. Натижада глобал исиш жараёни бошланиб, минг йиллик музликлар макони бўлмиш Антрактида музликлари эриб уммонларга қуилмоқда.

Алалоқибат, уммонлар суви чучулашиб, шўр сувда яшашга ўрганган фауна ва флора ҳаёти хавф остида, уммон бўйидаги мамлакатлар сувнинг кўтарилишидан талвасада. Қурғоқчил ўлкаларда эса ёғингарчилик тобора камайиб, сув танқислиги ортиб бораётir...

Ер юзидағи паррандаю даррандалар бизнинг яшашимиз учун улар сув ва ҳаводек зарур. Ҳаёт кечиришимизда улар бажарадиган вазифанинг ҳаммасини санамоқ учун ҳам кишидан жуда кўп билим талаб қилинади, албатта. Қисқаси, улар бизнинг озигимиз ва ёрдамчиларимиз. Аммо улардан мақсадли тарзда истифода қилишимиз зарурлиги «**Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас**» (Аъроф сураси, 31-оят), деб алоҳида таъкидланган.

“Фото Япония” журналида ёзилишича, инсонларнинг табиатга нооқилона муносабати, ер майдонларининг жадал суръатларда ўзлаштирилиши, ўрмонлар

кесилиши... буларнинг оқибатида келиб чиқадиган экологик ўзгаришлар ва энг аянчлиси, ҳайвонларнинг шафқатсизларча овлашини оқибатида дунё бўйича бир йилда қирқ мингта турли ҳайвон ва парранда қирилиб кетар экан.

Мақсадимиз – орқасида ўнлаб ноллари мавжуд рақамни эълон қилиб ўқувчини ҳайратга ёки ҳавотирга солиш эмас. Аксинча, юртдошларимизни Аллоҳ бизга инъом этган беҳисоб неъматларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга чорлаш ва уларни келажак авлодларимиз учун ҳам сақлашимиз даркорлигини, бу неъматларда уларнинг ҳам насибаси борлигини эслатишдир. Зотан, тежамкор қашшоқлик кўрмайди, дейилади.

Ҳаким Термизий “Наводирул усул”да ривоят қилган ҳадисда: «**Эй Ойша, Аллоҳнинг неъматларига яхши муносабатда бўлгин! Агар у неъматлар бирон қавмдан олиб кўйилса, камдан-кам ҳолларда қайтиб келади**», дейилган. Ана шунга диққатли бўлайлик, азизлар.

Дамин ЖУМАҚУЛ

Масала

3-бетда

537-ФАТВО

Бирорнинг мажбурлаши ёки ўзининг эҳтиётсизлиги сабабли рўзаси очилса, қазонинг ўзи вожиб бўлади, каффорат эмас.

«Оламгирия», «Қозихон», «Мухтасар»

Изоҳ: Рўзани бузувчи ишлар унумиши сабабли содир бўлса, унга “саҳван” дейилади ва у билан рўза очилмайди. Рўзани бузувчи ишлар эҳтиётсизлик сабабли содир бўлса, унга “хатоан” дейилади ва у билан рўза очилади, қазо вожиб бўлади. Рўзанинг хатоан бузилишига мисол, таҳоратда оғзини гаргара қилаётib томогига сув ўтказив юбориши, қуёш ботди деган гумон билан оғзини очиш, саҳарлик вақти ҳали чиққани йўқ, деган гумон билан еб-ичишда давом этиши кабилар.

538-ФАТВО

Кундузи ухлаётган рўзадор уй-кусираб, сув ичиб қўйса, рўзаси очилади. Каффоратсиз, фақат қазосини тутиб беради.

«Оламгирия», «Қозихон»

539-ФАТВО

Одатда ейилмайдиган – тош, тупроқ, данак, пахта, ҳашак, қофоз каби нарсаларни ютиб юборса, рўзаси очилади. Лекин каффоратсиз, фақат қазосини тутиб беради.

«Оламгирия», «Табийн», «Хуласа»

540-ФАТВО

Тишлари орасидаги нўхатдан катта бўлмаган таом қолдиқларини ютса, рўзаси очилмайди. Аммо оғзидан ташқарига чиқариб, сўнгра қайта оғзига солиб ютса, гарчи кунжутдек бўлса ҳам, рўзаси очилади. Каффорат вожиб бўлиш-бўлмаслигига ихтилоф бор. Вожиб бўлмаслигига Абулайс Смарқандий раҳимаҳуллоҳдан ривоят бор.

«Оламгирия», «Хуласа»

541-ФАТВО

Тиш орасидаги бир дона кунжутни чайнаса, рўзаси очилмайди. Лекин чайнаб ютганида томоғида унинг мазасини сезса, рўзаси очилади. Бошқа ҳар қандай таом, дон ёки бошқа чайналган кичик нарсалар шу қоидага қиёс қилинаверади.

«Оламгирия», «Мухтасар», «Қозихон», «Фатхул Қадир»

542-ФАТВО

Оғиз сўлагини ташқарига чиқармай ютса, рўзаси очилмайди. Ташқарига чиқариб олиб, сўнгра қайта оғзига солиб ютса, рўзаси очилади.

«Оламгирия», «Захирия»

7-бетда



Садақа билан мол камаймас

Косайи аҳли карам кам намегардад зи жуд,
Моҳи нав шуд бадру нури меҳр тобон кам нашуд.

Таржимаси: Карам аҳлининг косаси саҳоватдан камаймайди. Янги ой тўлин ой бўлди, лекин мунаvvар қўёшнинг нури камаймади.

Шарҳ: Куръони каримда марҳамат қилинишича, шайтон инсонни фақирикдан кўрқитади. Эҳсон қиласверсанг бой бўлолмайсан, камбағал бўлиб қоласан, дея қўнглига ваҳималар солади. Аслида ундан эмас. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Садақа билан мол камаймайди**”, дея башорат берганлар. Бунга ҳаётда қалби кўр кишидан бошқа ҳамма гувоҳ бўлган. Соиб Табризий мазкур шеърда мана шу мазмунни гўзал мисол или ифода қилмоқда. Аллоҳ йўлида саҳоват қилган карамлик кишининг косаси ҳаргиз бўшаб қолмайди. Унинг косаси ҳақиқий карам соҳиби Аллоҳнинг ғайбий хазинасидан мукофот ўлароқ келган неъматлар билан қайта тўлиб қолаверади. Бунинг мисоли шуки, ой ўз ёруғлигини қўёшдан олиб, тўлин ойга айланади. Бироқ ойга шунча ёруғликни берган қўёшда ҳеч нарса камайиб қолмайди.

Ахлоқий зеболик

Обу ранги сурати зоҳир ду рўзи беш нест,
Хусни ахлоқи жамил аз рўйи зебо беҳтараст.

Таржимаси: Зоҳирий кўринишнинг суви ҳамда ранги икки кундан ортиқ эмас. Гўзал ахлоқнинг чиройлилиги зебо юздан яхшироқдир.

Ҳожи Домла Ҳиндистоний раҳимаҳуллоҳ

Ҳаёт сабоғи

Ўзбекларда қадимдан келинлика номзод қизнинг етти пуштигача суриштирилган. Яъни, бўлажак келиннинг ота-онаси кимлиги, одобахлоқи, фахм-фаросатига эътибор қаратилган. “Онасини кўриб қизини ол” деб бежиз айтилмаган.

Бугун ёш оиласида ажримлар сони кўпаяётганига сабаб ана шу анъананингуни тилиб бораётганидир. Кейинги пайтда кўп ҳолларда келин танлашда, биринчи навбатда, қиз тарбияланган оиланинг моддий аҳволига аҳамият берилаётгани сир эмас. Бойлигига учиб қилинган келиннинг одобизлиги, худбинлиги эр ва қайнона-қайнотанинг юзига тушган тарсаки бўляпти. Келин-куёвлар ўртасида мол-матоҳни деб жанжаллар келиб чиқиши, вазият ажрашишгача етиб боришига кўп гувоҳ бўляпмиз.

Бир оиласи биламан. Хонадон соҳиби катта амалдор эди. Аммо фарзандларини жуда талтайтириб ўстириди, уларга тарбия бермади. Шу боис ўғиллари улғайб тайинли касбнинг бошини тутмай, ичкиликка ружу кўйган бўлишса, қизлари бетгачопарлик, манманликда ҳаммани ортда қолдирди. Ота мансабдан кетгач, ўғиллар унинг топган-тутганини елга

совуришди. Бой хонадон бир-икки йил ичидан моддий жиҳатдан ноҷор ахволга тушди. Икки ўғли ичкилик туфайли касалликка чалиниб, қирқ ёшга етиб-етмай вафот этган бўлса, кенжаси ногиронга айланди. Қизлар ҳам борган жойида тинчишмади. Бири ажрашиб келган бўлса, бирининг бадфөълигидан оиласида ҳар куни жанжал.

Маҳалламида яшовчи саксон ёшлини қоралаган Солия буви келинлик даврини бундай эслайди: «Бизнинг пайтимида қизларни иккита коса, битта чойнак, иккита қўрпача билан от-аравага юклаб, оқ фотиҳа бериб узатиб юборишарди. Ота-она қизи тушган хонадонида қандай яшаётгани билан қизиқишмади ҳам, уйга бир йиллаб бормасак-да излаб келишмасди. Қайнота ва қайнотинизнинг юзига тик қарамасдик, ҳар бир гапига “хўп” деб жавоб қайтарардик. Тилимизни чайнаб ютган эдик гўё. Кун бўйи рўзгор юмушлари, супур-сидир, дала ишлари, мол-ҳолга қараш, болаларни юваб-тараш билан банд бўлардик. Тонг саҳардан ярим оқшомгача тиним бўлмасди. “Аллоҳга шукр, ҳалиям кечаси бор,

сұхбатларидан бирида айтганлар: “Юзингиз сутдек тиниқ бўлиб, қошу кўзларингиз қора бўлгани билан бу чиройнинг ҳеч эътибори йўқ. Чунки бир иситма касал билан ўзгариб қоласиз. Аммо сизда ахлоқий зеболик бўлар экан, бу – сизга дунёда ҳам, қабрда ҳам бакор келади (нафи тегади)».

Дилларга марҳам бўлинг

Агар аз дасти эҳсон малҳами дилҳо намегарди,
Ба хулқ аз худ тасалли дор боре аҳли оламро.

Таржимаси: Агар эҳсон қўли билан дилларга малҳам бўлолмасанг, ҳеч бўлмаса, гўзал хулқ билан олам аҳлига тасалли бер.

“Марҳам” деб синган суюк ёки кесилган терини бир-бирига улаб, битирадиган дорига айтилади. Ўзбек тилига “малҳам” шаклида кирган. Шоир айтмоқчи, эҳсон қўли, яъни моддий ёрдам бериш билан синган қўнгилларга малҳам бўлолмасанг, гўзал хулқинг билан олам аҳлиниң қалбига шодлик улаш. Зоро, муҳтоҷга моддий ёрдам беришга ҳаммада ҳам имкон бўлавермайди. Аммо икки оғиз ширин сўз билан унинг қўнглини олиш чўнтигиди бир сўм пули йўқ киши ҳам уддаласа бўладиган ишдир.

Жон тугамагунча нон ҳам тугамайди

Бе магас ҳар гиз намонад анқабут,
Ризқро рўзий расон пар медиҳад.

Таржимаси: Ўргимчак ҳаргиз пашшасиз қолмайди. Ризқ етказувчи Зот ризққа қанот беради.

Шарҳ: Қалбимизга ризқ ҳақида турли васвасалар келганида, ўзи қурган тўрдан узоққа кетолмайдиган ўргимчакнинг ҳолига қараб ибрат олайлик. Зоҳирий ҳамда моддапараст кўзлар билан қаралса, тўридан чиқмаган ўргимчакнинг озуқа топиб ейиши амримаҳолдек кўринади. Бироқ ўз маҳлуқларининг ризқига Кафил бўлган Зот ризққа қанот бериб пашша кўринишида унинг ёнига келтириб беради.

Инсон ризқи кафолатланган маҳлуқотларнинг энг шарафлиси. Бинобарин, у маҳлуқотларнинг энг қаноатлиси ва ризқ борасида энг хотиржами бўлиши лозим. Зоро, улуғлар айтганидек, жон тугамагунича нон ҳам тугамайди.

Фийбат

Фийбат қилиш адоват (душманлик)-нинг ҳам отаси, ҳам ўғлидир. Яъни, гоҳида адоватдан фийбат туғилса, гоҳида фийбатдан адоват туғилади. Насаби шу қадар бузук бўлган ишнинг ўзи ҳам ўта ёмон нарса эканлигига мана шунинг ўзи кифоя. Яна бир гап. Бирор кишини айблаш пайидан бўлган одам динни бутқул ўйламайди, азият беришдан ҳам, ёлғон гапиришдан ҳам, фирибгарлик қилишдан ҳам тап тортмайди. Бундай одам ўзининг охири қандай бўлишидан қатъи назар, мақсади душманига зарар бериш бўлиб қолади, холос.

“*Мажолиси ҳакимулумма*” асаридан
Ёрқинжон ФОЗИЛОВ таржимаси.

Ношукр келинчаклар

1–2 соат бўлса ҳам ухлаб оламиз”, дердик. Ўчоқда овқат пиширад, қаҳратонда ўтинг ёқиб печни қиздирадик. Ҳозирги шароитларнинг гўнданди бирин йўқ эди».

Момо ҳозирги келинларга қараб ҳайрон бўлади. Мисол учун, неварасини уйлантиришганда, келиннинг сепига кўшиб кир машина, дазмол, катта экранли телефон ҳам келтиришди. Телефон келин ота-онаси билан экранда бир-бирини кўриб гаплашиб, уларга нима еб-ичганию қандай юмуш билан банд эканини етказиб туриш учун экан. Келинчак тушган кунидан қайнона-қайнотаси билан тортинмай гаплаша бошлади. Бирор камчилиги айтилса, тили икки қарич бўлиб гап қайтарди. Кийимларни кир машина ювади, уйни пилесос тозалайди, эшик олди чала-чулпа супурилади, гоҳида супурилмай ҳам қолади. Келин пошша эса телефонда гаплашиш, телеграмда ёзишиш билан овора. Бир куни Солия момо уни ёнига чакириб: “**Болажоним, ҳозир, Аллоҳимга шукр, маза қилиб яшаш учун ҳамма шароитга эгасан. Аммо ҳаёт фақат ўйин-кулгудан иборат**

эмас. Келинлик вазифалари ҳам бор. Уларни бажармасанг, бўлмайди. Ахир, ҳар қандай тирик жон ҳаракат қиласди”, дея насиҳат қиласди. Келинчак эса: “Онам мени сизларга хизматкорликка бермаган, чўри эмасман”, деб терс жавоб қайтарди. Кунда қайнона, эр билан орасида жанжал келиб чиқа бошлади. Охири иш ажрашиб билан тугади. Эрдан чиқкан жувон бир-икки йил боши очиқ юрса-да, бошқа турмуш қуролмади. Юриб-юриб, иложсиз Россияга ишлашга кетди. Совуқ ўлкада бир-икки сўм топдими-йўқми, аммо буйрагини шамоллатиб кўйиб, ортга қайтишга мажбур бўлди. Ақлсизлик қилиб ҳам гулдек оиласидан, ҳам соғлигидан айрилди.

Ношукрлик инсонга ҳамиша зиён келтиради. Шундай экан, фарзандларга, айниқса, қизларга кичикиликдан шукур, қаноат, чидам, меҳнат-кашлик фазилатларини сингдириш уларнинг келгуси ҳаёти учун фақат фойда келтиради.

“*Турсуной САТТОРОВА, Кўшикўпир тумани*

Мазах қилиш зулмдир

Аллоҳ таоло буюради: «**Эй мүминлар! Бирор-бир қавм бошқа қавмни масхара қилмасин. Балки улар ўзларидан яхши бўлиши мумкин. Аёллар ҳам бошқа аёлларни масхара қилмасин. Балки улар ўзларидан яхши бўлиши мумкин. Бир-бирингизни айбламанлар, бир-бирингизга ёмонлақаб қўйманлар. Иймондан кейин (бировни) ахлоқсизлик-фосиқлик билан номлаш қандай ҳам ёмон! Кимки тавба қилмаса, ана шулар золимлардир» (Хужурот сураси, 11-оят).**

Исломда мўминнинг шаъни улуғ ҳисобланиб, уни ерга уриш, қонини тўкиш, мол-мулкини тортиб олишта тент жинояттир. Бировни мазах қилиб обрўсими тўккан, қўнглини оғритьган кимса ўзига дўзах сари йўл очган бўлади. Шу боис муқаддас динимиз ўзгаларни камситиш, масхара қилишни қаттиқ қоралайди. Чунки мўминлар бир-бирига меҳрибон, тавозеда бўлишлари зарур.

Етмиш ёшни қоралаган бир кишининг жисмонан нуқсонли

одамлар ортидан мазахомуз гапирадиган одати бор эди. Ўттиз ёшлардаги ақли заиф маҳалладошини “яроқсиз маҳсулот” деб масхараларди. Одамларнинг: “Кулманг, ахир бу гуноҳ-ку!” деган танбеҳига парво ҳам қилмасди. Ярим йилча аввал ўша мўйсафид юрак хасталигига дучор бўлди. Узоқ вақт шифохонада ётди...

Яқинда у яшайдиган кўчадан ўтаётуб, уйи олдида невараси билан ўтирганига кўзим тушди. Аввалги савлатдан асар ҳам йўқ, озиб-тўзиб, ҳассага таяниб қолибди. Саломлашиб, ҳол сўрадим. Бирдан кўзи ўшга тўлди: «Ука, мени Аллоҳ жазолади. Туни билан оғриқдан ухломай чиқаман. Ҳеч қандай муолажа наф бермади. Такаббурлик билан гердайиб, ногиронларни “отаси лойини яхши пиширмаган”, деб мазах қилардим. Энди ўзим ярим жон бўлиб қолдим. Қилган аҳмоқгарчилигидан минг-минг пушаймонман, аммо энди фойдасиз. Агар тириклик пайтимда шундай жазо олаётган бўлсан,

ўлимимдан сўнг мени қандай азоблар кутаётган экан, деган ўй менга тинчлик бермайди. Ҳозир ўша инсонлардан узр сўрашга тайёрман. Зора, улар кечиришгач, Аллоҳ гуноҳларимни мағфират этиб, бу дардан ҳам, охират азобидан ҳам халос этса».

Ҳумаза сурасининг биринчи оятида бундай дейилади: «**Ҳар бир обрў тўкувчи ва айловчига “вайл” бўлсин».** “Вайл” жаҳаннамдаги бир водийнинг номини ва “ҳолига вой”, “ҳалок бўлсин” деган маънони англатади. Ўйлаб кўринг, бировнинг камчилигидан, айниқса, ногирон кишининг нуқсонидан кулиш қанчалар оғир гуноҳ! Эсдан чиқармайлик, Аллоҳ таоло Ўзининг ҳақига тажовуз қилган кишини мағфират этади, бироқ банданинг бандадаги ҳақидан то унинг ўзи кечмачунча кечмайди.

Тошпўлат АШУРОВ,
Когон шаҳри

Долзарб мавзуу

Ҳизбут таҳрир одоб-ахлоқни инкор этади

Ҳизбут таҳрир жамоаси аввалбошданоқ исломий одоб-ахлоқни инкор қилиб, инсоний қадриятларнинг ва диний фазилатларнинг бугунги кунда зарурати йўқ, деб ҳисоблайди. Ҳизбут таҳрир ўз дастурларида ахлоқ билан дъяват қилишни, гўзал хулқли бўлишни, инсонлар билан чиройли муомалада бўлишни танқид қиласди. Ҳизбчилар тасаввурда Ислом таълимоти ўзлари ўйлаб топган ақидалар ва қоидалар мажмуидир, холос.

Ҳизбут таҳрир манбалариди: “Фазилатли хулқларга дъяват қилиш жамиятни ислоҳ қилишга ва умматни ўйғотишига имконият туғдирмайди. Чунки жамиятнинг ислоҳи фикрлар ислоҳи билан ҳосил бўлади... Фазилатли хулқларга дъяват қилиш эса замонавий мусулмонларнинг ҳукмларини ҳал қилиш учун етарли дъяват эмас!” дейилади. Ҳизбнинг мудассиси Тақијуддин Набхоний ҳам инсондаги руҳий хислат ва шавқларнинг борлигини инкор қиласди.

Бу хилдаги одоб-ахлоқни,

руҳий ҳолат ва фазилатларни инкор этиш ҳизбчилар орасида қалби қаттиқликни, қўрсликни келтириб чиқариш учун зарур эди. Уларда нега меҳр-шафқат, одамгарчилик, қўни-қўшни ҳаққи, Ватан туйғуси, меҳрмуҳаббат, раҳмдиллик каби ҳис-туйғуларнинг йўқлигини шундан ҳам билса бўлади. Уларнинг ўз Ватанига қурол кўтаришлари, ватандошларини коғир деб бемалол эълон қилишлари, жисмонан йўқ қилиб юборишга уринишлари ҳамда ўзлари туғилиб-ўсган юртларни “кофиристон” дейишларининг бирдан-бир сабаби ҳам шудир.

Одоб-ахлоқни инкор этган ҳар қандай жамият, ташкилот, фирқа Аллоҳ таолонинг динига, шариатига, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мутлақо зиддир. Ислом эса меҳр-шафқат, одоб-ахлоқ, тинчлик-омонлик динидир. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Албатта, мен гўзал хулқларни камолга етказиш учун юборилдим**”, деб марҳамат

қилганлар (Имом Аҳмад ривояти). Шунингдек, у зот: “**Аллоҳим! Хилқатимни гўзал қилганинг каби хулқимни ҳам гўзал айла!**” деб кўп дуо қиласар эдилар (Имом Ибн Ҳиббон ривояти). Саҳобаларини ҳам доим гўзал хулқли бўлишга чорлар эдилар. Ҳусни хулқнинг фазилати ҳақида кўп иршод қиласдилар.

Абу Дардо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Тарозида ҳусни хулқдан кўра оғирроқ нарса йўқ**”, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Хуллас, ҳизбут таҳрир фирқаси Қуръони каримда хабар берилганидек: «**Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллоҳнинг зикрини унуттириди. Ана ўшалар шайтоннинг ҳизби (гуруҳи) дирлар. Огоҳ бўлингки, албатта, шайтоннинг ҳизби зиён кўрувчиидир!**» (Муқодала сураси, 19-оят).

Аллоҳ таоло барчамизни ҳаққу ростга ҳидоят қиласин. Адашганларга тавфиқ берсин!

Фахриддин ШАЙЗАКОВ,
Жиззах шаҳар боши имом-хатиби

Масала

5-бетда

543-ФАТВО

Оғзини сув билан чайгандан кейин қолган сув юқини оғиз сўлагига қўшиб ютиб юборса, шунингдек, димоғига келган бурун суюқлигини томоғига тортиб юборса, рўзаси очилмайди.

«Оламгиря», «Мұхит»

544-ФАТВО

Қонни ютиб юборса, каффоратиз қазонинг ўзини тутади. Тишларнинг милкидан чиқсан қонни сўлак билан қўшиб ютиб юборса, қон билан сўлакдан қайси бири ортиқ ёки кам миқдорда бўлишига қаралади. Агар қон ортиқ бўлса ёки сўлак билан баробар бўлса, рўза очилмайди.

«Оламгиря», «Захиря»

545-ФАТВО

Газлама тўқувчиси иш жараёнида бўялган ип толаларини оғзига согланида кўкми, қизилми, сариқми, бошқа рангми оғзига юқиб, сўлакларига аралашиб томоғидан ўтиб кетса, рўзаси очилади.

«Оламгиря», «Хуласа»

546-ФАТВО

Томоғига чанг, тутун, пашша, чивин каби нарсалар кирса, рўзаси очилмайди. Шунингдек, уйқудаги эҳтилом билан ҳам рўза очилмайди.

«Мухтасар», «Оламгиря»,
«Изоҳ ал-Кирмоний»

547-ФАТВО

Бир-икки томчи кўз ёши ёки юзидан оқсан тер оғзига кириб, томоғидан ўтиб кетса, рўзаси очилмайди. Аммо бу миқдордан зиёд бўлиб, оғзида кўпгина шўрликни сезса, рўзаси очилади.

«Оламгиря», «Хуласа»

548-ФАТВО

Баданнинг табиий тешикчаларидан (икки маҳраждан бошқа) кирган мой, сув каби нарсалар билан рўза очилмайди. Кўзига дори томизганда, гарчи томоғида унинг мазаси билинса ҳам, рўза очилмайди.

«Оламгиря», «ан-Наҳр»

549-ФАТВО

Оғзи тўла кусса, каффоратиз қазонинг ўзини тутиб беради. Борди-ю, уни қайтаришга кучи етмайдиган даражада куч билан келса, рўза очилмайди.

«Мухтасар», «ан-Наҳр»

550-ФАТВО

Ҳуқна қилдириш, бурун билан дорини димоққа тортиб ютиш, қулоққа ёғ томизиш кабилар билан рўза очилади ва каффоратиз қазо вожиб бўлади. Агар қулоғига сув кириб кетса, рўзаси очилмайди.

«Оламгиря», «Мұхит», «Ҳидоя»

“Минг бир фатво” китобидан



Салимжон алламаҳалда уйғониб кетди. Боси қаттиқ нарсага ботаверганидан лўқиллаб оғририди. Кўзини очмай, ёстиғини пайпастлади. Қўли қандайдир қаттиқ нарсага тегди: “Бу нима? Ниманинг устида ухлаб қолдим? Наҳотки бу ноутбук бўлса?! Бунча яхши!..”

Кун бўйи: “Дарсингни тайёрла, китобингни ўқисанг-чи!” деявериб онасининг жағи толди. У бўлса, гоҳ ноутбукка, гоҳ телефонга термулиб, вақтни ўтказди. Охири онаси мажбурлаб ўчирирганида, кўнгли чунонам оғридики, қанийди, сира ўчирмаса... Шуларни хаёлидан ўтказган Салимжон мўъжиза топгандек қувониб кетди. Энди унга ҳеч ким халақит бермайди. Мазза!..

Бироқ ўрнидан қўзғалган Салимжоннинг кўзи негадир очилмади. Диққатини жамлаб, кўзини очишга уриниб кўрди. Аммо кўзи очилмади. Қўзларини ишқалаб, қовоғини кўтариб кўрди, фойдаси бўлмади. Нима қилишини билмай, қайтиб жойига ётмоқчи бўлганида бошини дўқиллатиб қаттиқ нарсага уриб олди. Зарб еган жойини жон аччиғида чанглалади: “Ростдан ҳам ноутбуки бу, бунча қаттиқ бўлмаса?”. “Ёстиғи”ни пайпаслай бошлади. “Йўқ, ноутбук эмас. Ноутбукдан анча катта экан, ҳам оғир, ўрнидан силжитиб бўлмайди. Тош бўлса керак, бошқа нарса бунчалик қаттиқ ва оғир бўлмайди”, деган фикр келди. Аммо нега энди тошга боз қўйиб ухлаши керак, уйларида шунча ёстиқ

бўлса. Бу тош ўзи қаердан келиб қолди? “Хозир туриб юмшоққина ёстиқ олиб келиб ётаман. Аммо бу коронуғуда қандай топаман уни? Қаёққа оёқ кўйишни ҳам, нимани ушларни ҳам билолмаяпман-ку?..” Шуларни хаёлидан ўтказаркан, ётган тўшагининг ҳам қаттиқ, тақир жойга айланиб қолаётганини сезди у. “Бунча қаттиқ ва совуқ бўлмаса”, ўйлади Салимжон. Қўли билан пайпаслаб, шу атрофда турган чойшабни устига ёпди. Ёпиши билан чойшаб ҳам оғирлаша бошлади. Салимжон қўрқиб кетди. “Энди нима қиласман”, ҳансирай бошлади у. Бошидаги, остидаги, устидаги залворли тошлар уни тобора сиқарди. Бор кучини тўплаб, чойшабни итқитиб юбормоқчи бўлган эди, кучи етмади. Бақириб, ўйдагиларни ёрдамга чақирмоқчи бўлди, бироқ... Ҳарчанд уринмасин, лаблари бир-бирига елимлаб кўйилгандек, оғзи сира очилмади. Жони оғрир, аммо қилт этиб қимиirlай олмасди. На кўради, на овоз чиқарди, на йиғлай олади. Шунда яшин тезлигида келган бир ўй бутун вужудини ларзага солди: “Наҳотки, ўлган бўлсан?..”

“Мен қабрдаманми? Сизлар қабрдаги тошларми? Илтимос, мени сиқмандар. Мен кўп яхши ишлар қилганман”, дей ич-ичидан тошларга ялина бошлади у. “Мен кўп яхши ишлар қилганман”, дер

эди-ю, аммо улардан бирортасини айта олмасди, эслай олмасди ҳам... Жони эса тобора оғририди. Шу пайт:

– Биз қабр тошлари эмасмиз! – оҳиста сизиб чиққан овоз Салимжоннинг қалбига қуила бошлади. – Биз Нур тоғининг Ҳиро ғоридаги тошлармиз!..

Бу овоз Салимжоннинг азобланаётган вужудига ўзгача бир туйғу улашди. У ўта завқли, аммо бутунлай нотаниш бир ҳиссиёт эди. Ана шунда димоғига роҳатбахш бир хушбўйлик урилди.

– Хирони биласанми?.. “Икро...”
деб бошлана диган сурани-чи?

Жавоб тополмаган Салимжон ўзини жуда ноқулай ҳис қила бошлади. Ҳатто ўзидан нафратланиб кетди: “Нега бунчалик китоблардан қочдим?.. Уларни қўлимга олсан ҳам, хаёлим бутқул мультериаллару фильмларда бўлди. Ҳаёлимда фақат ўйин. Имкон туғилди дегунча, телефона ёпишаман. Фикру зикрим – шу...”

Шунда унинг тош болиши, тош тўшаги, тош чойшаби – ҳамма-ҳаммаси анча пайт муздек сувда “чўмилиб”, лаби-лабига тегмай қолган

яланғоч боладек “дир-дир” титрай бошлади:

– Биз тошмиз!.. Аммо тош бўлсақ ҳам кўзёш тўқамиз... “Ўқи!” – Оламларнинг Рабби сенга юборган илк сўз!.. “Ўқи!” – сенга юқлатилган энг биринчи вазифа!.. Ўқисанг, қалбинг гуллайди. Қалбинг гулласа, атрофинг гўзалик ва хушбўйликка тўлади. Ўқимасанг, қалбинг тошга айланади. Қотган қалбинг кўзингни кўр, қулоғингни кар, тилингни соқов қилади!..

Отасининг намоздаги тиловати Салимнинг қулоғига кириб, қалбини яйратиб юборди: «**Икро! Бисми Роббикалазий холақ...**»

Мавжуда АБДУЛЛОҲ қизи

Газетхон илҳоми

Рамазон ҳайити муборак!

Ўттиз кун намозда турдингиз қиём
Хатм қилиб Аллоҳнинг қаломларини.
Ҳар куни Каъбани зиёрат қилиб,
Бажарив намознинг аҳкомларини.

Илом-хатиб бошлиқ ҳофиз Қуръонлар
Дилларни ёритди келиши билан.
Тиловат қилганда булбулзабонлар
Қалбларни яйратди хониши билан.

Ағсус, тугаб қолди ойлар подшоси,
Бир ой ибодатда яшадик жўшиб.
Олиб қолайлик деб Аллоҳ ризосин,
Меҳр-муҳаббат-ла қаломин ўқиб.

Бомдод, таровеҳда қучоқлар очиб,
Муборакбод этиб Рамазон билан.
Мана, ҳайитга ҳам келдингиз этиб,
Ўттиз кун покланиб тоза қалб билан.

Самимий ҳалқим бор, озод Ватаним,
Минг шукр, ҳосилдир менинг муродим.
Ҳайитинг муборак, эй она ҳалқим,
Байраминг муборак, Ўзбекистоним.

Иномжон МИРКАРИМОВ
Қўргонтепа тумани

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
ҳамда «Shamsuddinxon Boboixonov»
НМИУ жамоаси кўп йиллар динимизга
хизмат қилган устоз, Тошкент шаҳридаги
“Абу Бакр Қаффоли Шоший” жоме
масжиди имом-хатиби **Курбонали** домла
турсуновнинг вафоти муносабати
билан марҳумнинг оила аъзоларига,
қариндош-урӯғларига, яқинларига чукур
таъзия билдиради.

Ҳамроқул ХОЛБОЕВ,
Бекобод тумани “Улугбек” жоме
масжиди имом-хатиби



Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ноҳоиз жойларга қўйман!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث.

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!

Шу кунлар қадри

Ризқ йўлини очиш имкони

Аллоҳ таоло бундай марҳамат
қилади: “**Энди инсон ўзининг
таомига** (ибрат кўзи билан қуийи-
даги неъматларимизга бир) **бок-
син: Биз** (осмондан) **сувни мўл**
ёғидирдик. Сўнгра Ерни (гиёҳлар
унсун деб) **ёрдик”** (Абаса сураси,
24–26-оятлар).

Тафаккур қилсангиз, Аллоҳ
барча нарсаларни бир-бирига
боғлиқ ҳолда яратганига амин
бўласиз. Мисол учун, дараҳт мева
бериши учун ер, сув, вақт, қуёш-
ни унга хизмат қилдириб қўй-
ган. Айни дамда бу жараёнда
инсоннинг иштирокини ҳам та-
йин этган. Бандани меҳнати билан
ўз ризқига сабабчи этиб, бу-
нинг ортидан савоб олишига им-
кон яратган.

Кўклам тупроқнинг юзи очи-
либ, уруғ қадаладиган, кўчат эки-
ладиган мавсум. Ҳалқимиз қа-
димдан ер билан тиллашиб ризқ-
рўз ундириб келган. Бир қарич
ерни ҳам бўш ташлаб қўймай,
гуллатиб-яшнатиш ота-бобола-
римиздан мерос. Айни кунлarda
дала-даштда иш қизғин. Дехқон-
лар экин-тиқин билан банд.

Яратган Зот бизга хосият-
ли, баракотли, чўп суқсанг, униб
чиқадиган заминни ато этган.
Иншоаллоҳ, эл-юрт ободли-
ги, фаровонлигини ният қилган
ҳолда қўчатлар экилди, уруғ қа-
далди. Энди уларни меҳр билан

парваришилаш талаб этилади.
Юрт ободлиги нафақат боғбо-
ну дехқонларнинг, балки бар-
чамизнинг масъулияти юмуши-
миздир. Ҳовлимиздаги дараҳту-
экинлар, кўча бўйларида ўтқазил-
ган ниҳолларга эътиборсиз қара-
маслигимиз лозим. Албатта, заҳ-
матли меҳнатимиз, ҳалол пешо-
на теримиз билан эл дастурхони
тўкинилиги таъминланади. Зоро,
бу юмушлар динимизда ибодат
даражасига кўтарилган амалdir.

Ҳамроқул ХОЛБОЕВ,
Бекобод тумани “Улугбек” жоме
масжиди имом-хатиби



Muassis:
O'zbekiston musulmonlari
idorasi "Shamsuddinxon
Boboixonov" NMU

Bosh direktor: Sultonbek
IMOMNAZAROV

Ислом Қурған

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Jaloliddin XAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OUROV
Muhammadsharif UMAN
Kolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islamiddin ZUHRIDINOV
Rustam JAMILOV
Muzaffar KAMOLOV

Toshkent – 100069, Zarqayn
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyat.uz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Gazeta oya ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'lqin SHERNAYEV
Musahhiha:
Zebo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
10.03.2023
Xulosa (№03-07/1818) olindi:
17.03.2023
"SHAMSUDDINXON
BOBOIXONOV" NMU
bosmaxonasida chop etildi.

